Талабарни чет тилларига ўргатиш мақсадида компьютер захираларини моделлаштириш йўналишини аниқлаш учун фаолиятдаги инсон ривожланиши концепциясининг умумий психологик-педагогик жиҳатларини ишлаб чиққан Л.С.Выготский, В.В.Давыдов, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн<sup>3</sup> ишлари, ўқитувчилар малакасини оширишга йўналтирилган компьютер технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги қарашлар Е.И.Машбиц, Е.С.Полат, И.В.Роберт, О.К.Тихомиров, Т.В.Корнилова тадқиқотларидан ўрин олган бўлиб, улар назарий ва методологик аҳамиятга эга<sup>4</sup>.

Республикада олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув жараёнини лойиҳалаш, талабалар касбий малакаларини ривожлантириш, уларни инновацион педагогик фаолиятга тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари Ж.Йўлдошев,

<sup>2</sup> Балыхина Т.М. Основы теории тестов и практика тестирования (в аспекте русского языка как иностранного). – М.: 2004; Клобукова Л.П., Андрюшина Н.П., Афанасьева И.Н., Дунаева Л.А., Красильникова Л.В., Яценко И.И. Градуальная серия лексических минимумов как компонент Российской государственной системы тестирования по русскому языку как иностранному (общее владение) // Журнал Российского тестового консорциума «Русский тест: теория и практика», 2016, -№3. – С. 9-18; Костомаров В.Г., Митрофанова О.Д. Методика преподавания русского языка как иностранного. – М.: 1990; Щукин А.Н. Современные интенсивные методы и технологии обучения иностранным языкам: Учебное пособие. 2-е изд. – М.: Филоматис, 2010, – С. 188.

<sup>3</sup> Выготский Л.С. Мышление и речь // – М.: Лабиринт, 1999; Давыдов В.В. Теория развивающего обучения. – М.: ИНТОР, 1996; Леонтьев А.А. Язык не должен быть «чужим» // Вопросы психолингвистики. М. 2007, - №6, – С. 9-12.; Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – Питер, 1999. - 710 с.

<sup>4</sup> Машбиц Е.И. Психолого-педагогические аспекты компьютеризации // Вестник высшей школы, 1986, - №4. – С. 126-132; Полат Е.С. Интернет на уроках иностранного языка // Иностранные языки в школе, 2001. - №2. – С. 14-19; Роберт И.В. Современные информационные технологии в образовании: дидактические проблемы, перспективы использования. – М., 2010; Тихомиров О.К., Корнилова Т.В. Принятие интеллектуальных решений в диалоге с компьютером. – М. Изд-во Московского университета 1990. – С. 192.

Н.Азизходжаева, Р.Джўраев, Ш.Ю.Джаббаров, С.Тургунов, Л.А.Максудова, У.Иноятлов, Ф.Шарипов, В.Д.Ушаков ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Олий таълим тизимида замонавий технологияларни татбиқ этишнинг дидактик параметрларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар Н.Сайидахмедов, А.Абдуқодиров, Г.Умарова, Б.Ходжаев, Н.Азизходжаева, Р.Исянов, Д.Н.Маматов каби олимлар томонидан олиб борилган<sup>5</sup>.

Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида мустақил таълимни ташкил этиш масалалари мамлакатимиз олимлари, яъни Б.Ходиев, Л.Гольш, Д.П.Хашимова, А.Садыкова, А.Мирзахмедов, Г.Ю.Тошбоева, Н.А.Абдухолиқова ишларида ўз аксини топган<sup>6</sup>. Аммо, кимё таълим йўналиши талабаларининг инглиз тили бўйича луғат бойлигини мультимедиа дастурлари асосида шакллантириш ҳам махсус тадқиқотларни тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Компьютер технологиялари асосида кимёгар талабаларнинг инглиз тилидаги билимларини такомиллаштириш йўллари» мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** олий таълим муассасалари кимё таълим йўналиши талабаларининг инглиз тили бўйича луғат бойлигини мультимедиа дастурлари ёрдамида шакллантиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кимёгар талабаларга инглиз тили лексикасини ўргатишнинг самарадорлигини орттиришга йўналтирилган тадқиқотларни таҳлил қилиш;

кимёгар талабаларга инглиз тили лексикасини ўқитишнинг жорий ҳолати ҳақида умумий маълумот ва мультимедиа ўқув воситалари асосида инглиз тилининг лексикасини ўқитишнинг услубий тизимини ишлаб чиқиш;

---

<sup>5</sup> Ёулдашев Ж.Г. Пути достижения совершенства личности в учебно-образовательном процессе // Science Time. 2017, – №6 (42). – С. 63-66; Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Ташкент, 2005. – С. 78; Джўраев Р.Х., Джаббаров Ш.Ю. Методические указания к практическим занятиям – принципы организации дистанционного диагностирования цифровых систем. – Т. 2003. – С. 56; Тургунов С.Т., Максудова Л.А. Управление педагогическими процессами и технологиями. – Ташкент, Фан, 2009. – С. 166; Иноятлов У.И. Система оценки качества непрерывного образования // Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. 2015. – №13; Шарипов Ф.В., Ушаков В.Д. Педагогические технологии дистанционного обучения // Университетская книга. – Москва, 2016. – С. 304; Сайидахмедов Н. Педагогические технологии. – Ташкент: Университет, 2010. – С. 266; Абдуқодиров А.А., Умарова Г.У. Методика обучения элементам информатики в начальном образовании. – Т.: «Фан ва технология», 2016. – С. 72; Ходжаев Б.Х. Развитие исторического мышления у учащихся на основе интеграции музейной педагогики и информационных технологий // Наука и Мир. Международный научный журнал, - №8 (36), 2016, Том 2. – С. 98; Азизходжаева Н.Н. Инновационные технологии и педагогическое мастерство. – Ташкент: Ўқитувчи, 2010. – С. 178; Исянов Р.Г., Маматов Д.Н. Педагогическое проектирование образования в электронной информационно-образовательной среде. – Ташкент, 2019. – С. 54-60.

<sup>6</sup> Ходиев Б.Ю., Гольш Л.В., Хашимова Д.П. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности. – Ташкент, 2010; Садыкова А.Г. Лексикографическое описание фразеологических трансформаций // Фразеология в многоязычном обществе: сборник статей международной конференции "Europhras" (19-22 августа 2013 г.). – Казань, 2013. – С. 308-310; Мирзахмедов А.М., Ташбаева Г.Ю., Абдухалиқова Н.А. Проблемы профессионального статуса педагога // Глобус. 2021. - №3 (60).

чет тилларини ўқитиш буйича мавжуд мультимедиа воситаларини таҳлил қилиш;

инглиз тили лексикасини ўргатишда ўқув жараёнида фойдаланиш учун вазифалар ва машқлар тизимини ишлаб чиқиш;

кимёгар талабаларнинг инглиз тилидаги сўз бойлигини орттириш бўйича услубий тавсияларни такомиллаштириш;

кимёгар талабаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш учун онлайн платформа ишлаб чиқиш;

кимёгар талабаларнинг инглиз тилидан сўз бойлигини текшириш ва уни ўргатиш учун таклиф этилаётган онлайн платформа самарадорлигини экспериментал синовини ўтказиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида олий таълим муассасаларида кимёгар талабаларни инглиз тили лугатини шакллантириш жараёнини тадқиқ этиш масаласи танлаб олинди.

**Тадқиқот предмети**ни бўлгуси кимё ўқитувчиларини инглиз тилига мультимедиа дастурларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг мазмуни, шакли, методлари ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида педагогик кўзатувлар, тажрибани ўрганиш, педагогик тажрибалар, тест, савол-жавоб ўтказиш, экспериментал иш натижаларини сифат ва миқдорий таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларда инглиз тили кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган электрон ва анимацион таълим ресурслари базасини ишлаб чиқиш орқали кимё ва кимёвий технология таълим йўналишлари талабаларига кимёвий тушунчаларни ривожлантиришнинг ўқув мазмундаги кимёвий интегратив топшириқлар, кимёвий корхоналарга сайёҳат каби педагогик шарт-шароитлари очиб берилган;

мувофиқлик, тузилиш ва самарадорлик тамойилларига асосланган инглиз тили сўз бойлигини ўстириш ва сўзлашишга ўргатишда шеър, кўшиқ, эртак, топишмоқлардан фойдаланган ҳолда мультимедиа ўқув воситаларининг имкониятларга эга комплекс (виртуал дарслар тўплами) ишлаб чиқилган;

онг, кўриниш, она тилини ҳисобга олиш ва қулайлик тамойилларига асосланган, визуал ва аудитив лаёқатнинг инновацион ахборот таълим воситаларини ривожлантиришга мўлжалланган “E-platform for improving subject knowledge” номли онлайн платформа миллий хусусиятлар контекстида ишлаб чиқилган;

инглиз ва қорақалпоқ тиллари лугатини қиёсий таҳлили асосида кимёгар талабаларга тил ўргатишда хорижий тилларни интеграциялаштириб, талабанинг тафаккурини ривожлантирувчи тавсифловчи (Describe a picture or your friend using new vocabulary) ва коммуникатив (Fill in the blanks, Learn your classmate's opinion about ...) машқлар комплекси такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:



кимёгар талабаларга инглиз тили лексикасини ўқитишнинг самарадорлигини оширувчи омиллар аниқланган;

кимёгар талабаларга инглиз тили лексикасини ўқитишнинг лингвистик таҳлил методлари ўрганилган;

чет тилларини ўқитишга мўлжалланган мультимедиа ўқув воситалари (онлайн дастурлар, платформалар) таҳлил қилинган;

инглиз тили лексикасини ўқитишда қўлланиладиган ахборот ва коммуникатив технологиялар ва уларнинг кимёгар талабалар тафаккурини такомиллаштиришдаги даражаси аниқланган;

компьютер курсларини эксперт баҳолашга қўйиладиган талаблар ва инглиз тили бўйича янги тип дарсликлар (электрон) параметрлари аниқланган;

чет тиллари ўқитувчилари ва талабалар учун «E-platform for improving subject knowledge» (<http://smartstudent.uz>) онлайн платформаси амалда қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усулларнинг илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг асосланганлиги ва экспериментал ишларнинг самарадорлиги, натижаларнинг математик-статистик методлари билан тасдиқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мультимедиа ўқув дастурлари ёрдамида бўлгуси кимёгарларни лугат бойлигини шакллантириш мазмуни ёритилганлиги, талабаларни чет тилини ўзлаштиришга тайёрлаш босқичлари, йўналишлари, мезонлари аниқланганлиги, бўлгуси кимёгарларни касбий компетентлиги тизими ва компонентларининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, инглиз тилининг барқарор лексик бирликларини шакллантиришга қаратилган тавсифловчи ва коммуникатив вазифа ва машқлар комплекси, ишлаб чиқилган «E-platform for improving subject knowledge» номли онлайн платформаси ва тадқиқот материалларини инглиз тилини ўқитиш жараёнида кенг фойдаланиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасалари кимё таълим йўналиши талабаларининг инглиз тили бўйича лугат бойлигини шакллантириш бўйича олинган натижалар асосида:

ишлаб чиқилган электрон ва анимацион таълим ресурслари базаси Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти ва Навоий давлат кончилик институти Нукус филиали факультетлараро чет тилини ўқитиш педагоглари томонидан амалий дарсларда таъдиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 11 декабрдаги 89-03-5200 - сон маълумотномаси). Натижада, «Basics of chemistry in English» номли ўқув-услугий қўлланма нашр этилган;

мувофиклик, тузилиш ва самарадорлик тамойилларига асосланган инглиз тили сўз бойлигини ўқитишда ишлатиладиган мультимедиали ўқув воситаларининг комплекс таснифи (виртуал дарслар тўплами) ишлаб чиқилган ва натижада онг, кўриниш, она тилини ҳисобга олиш ва қулайлик тамойилларига асосланган ҳолда талабаларнинг инглиз тили бўйича компетенциясини ошириш учун мўлжалланган муаллифлик дастури «E-platform for improving subject knowledge» ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги интеллектуал мулк Агентлигининг 2020 йил 3 июлдаги 08463-сон гувоҳномаси). Натижада, миллий аудиторияда инглиз тилини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш компетентлиги оширилган ва кимёгар талабаларнинг инглиз тили бўйича лугат бойлигини шакллантиришга эришилган;

оммалаштириш мақсадида, инглиз ва қорақалпоқ тиллари лугатини қиёсий таҳлили асосида кимёгар талабаларга тил ўргатишда хорижий тилларни интеграциялаштириб, талабанинг тафаккурини ривожлантирувчи тавсифловчи (Describe a picture or your friend using new vocabulary), коммуникатив (Fill in the blanks, Learn your classmate's opinion about ...) ва бошқада машқлар комплекси ҳақида маълумотлар Қорақалпоғистон телерадиоканалининг “Фан ва таълим” бош муҳарририяти томонидан тайёрланадиган “Адабиёт ва давр”, “Мерос”, “Тилга эътибор – элга эътибор” дастурлари орқали кенг аҳолига, шу жумладан ўқувчи ёшлар, талабалар ва олимларга тарғиб этилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2021 йил 28 апрелдаги 01-02/227-сон маълумотномаси). Натижада, инглиз ва қорақалпоқ тиллари лугатининг қиёсий таҳлили ва онлайн платформани фойдаланиш самарадорлиги бўйича маълумотлар оммалаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияда, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан республика журналларида 4 та ва хорижий журналда 1 та мақола ва 1 та ўқув-услубий қўлланма нашр этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги интеллектуал мулк агентлиги томонидан 1 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кимёгар талабаларга инглиз тили лексикасини ўқитишнинг назарий, амалий ва методик муаммолари**» деб номланган биринчи бобида кимёгар талабаларга инглиз тили лексикасини ўқитишнинг самарадорлигини оширишга бағишланган тадқиқотлар таҳлил қилинган, инглиз тили лексикасини ўқитишнинг жорий ҳолати ўрганилган ва таълим жараёнида рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган инновацион технологияларнинг роли кўриб чиқилган.

Чет тилларини ўқитиш методикасининг ҳар хил ривожланиш босқичларида лексикани ўқитиш масалалари билан турли тадқиқотчилар, хусусан, Л.В.Банкевич, Б.В.Беляев, В.А.Бухбиндер, Н.Н.Гез, П.В.Гурвич, Ю.И.Коваленко, Р.А.Кузнецова, Е.И.Пассов, Г.В.Рогова, Е.Л.Товма, Л.З.Якушина, Ж.Ж.Жалолов, Ў.Ҳошимов, Н.Н. Азизходжаева, Л.Т.Ахмедова каби олимлар ўз ишларида эътибор қаратдилар. Аммо, шунга қарамасдан, бу соҳада ҳалигача кимёгар талабалар лексик масалаларини шакллантиришга, ушбу жараёни жадаллаштиришга ёрдам берувчи замонавий ёндашувлар асосида ўқитиш ишларига бағишланган махсус назарий тадқиқотлар майдонга келмади. Шу билан бирга, ўқитиш назарияси ва амалиёти шуни кўрсатдики, чет тилини ўқитиш жараёнини жадаллаштиришнинг аниқ замонавий воситаларидан бири – бу мультимедиа ўқув дастурларидир. Савол тугилади, мультимедиа ўқув дастурларидан фойдаланиш талабаларда мустақкам лексик кўникмаларнинг ҳосил бўлишига ва уларнинг лугат бойлигининг ўсишига қулайлик тугдириши мумкинми?

Ушбу масала рус тадқиқотчиларининг назарий ишларида ёритилган бўлиб, уларда чет тилларини ўқитиш жараёнида мультимедиа ўқув дастурларидан фойдаланиш афзалликлари қараб чиқилган. Хусусан, Э.Г.Азимов, Л.А.Артюшина, В.И.Беспалько, Е.И.Воробьёва, Т.В.Григорьева, Е.И.Дмитриева, Т.В.Карамышева, О.П.Крюкова, Е.А.Маслыко, О.А.Мерцалова, Э.Л.Носенко, И.С.Панова-Яблошникова, Е.С.Полат, И.В.Роберт, П.И.Сердюкова, Т.В.Спирина, Л.С.Суворова ишларида ёритилган. Аммо ушбу тадқиқотларда, табиий фанларга мос ишлар кўриб чиқилмаган. Мультимедиа ўқув дастурлари ёрдамида лексикани ўқитиш масалалари ўзбек тадқиқотчилари ишларида кузатилади. Жумладан, Ж.Ж.Жалолов, Ў.Ҳ.Ҳошимов, И.Я.Ёкубов, Г.Ҳ.Бокиева, Л.Т.Ахмедова, Г.Т.Махкамова, В.И.Нормуродова, Ш.С.Ашуров ва бошқалар ишларида кўриб чиқилган.

Таҳлиллар натижалари асосида қуйидаги хулосалар келиб чиқди: илмий-методик ишлар таҳлилларидан маълумки, педагогик олий таълим муассасаларида кимёгар талабаларга инглиз тили лексикасини ўқитишда амалий йўналишни кучайтириш масаласи етакчи қилиб олинган; педагогик олий таълим муассасаларида инглиз тили лексикасини ўқитишнинг жорий ҳолати ва замонавий ахборот ва коммуникатив технологиялари асосида таълим дастурларини ташкил этиш, вебинарлар, онлайн технологиялар, «blended learning», «flipped classroom» ва амалий машгулотларни кенг жорий этиш; олий таълим муассасалари кимёгар талабаларига инглиз тили лексикасини ўргатишда инновацион технологиялардан фойдаланиб ўқитишнинг педагогик, психологик ва методологик аспекти ўрганилган. Ўқитишнинг замонавий усулларида интерактив методлар (ақл бўрони, кейс-стади) ва инновацион технологиялардан (масофавий таълим, рол ижро этиш ўйинлари) фойдаланиб ўқитишнинг зарурлиги олий ўқув юртларида юқори малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Диссертациянинг **«Кимёгар талабаларга инглиз тили лексикасини ўқитишнинг жорий ҳолати»** деб номланган иккинчи бобида кимёгар талабаларнинг инглиз тили бўйича лугат захираларини ривожлантириш, инглиз тили лексикасини ўқитишда ахборот ва коммуникатив технологияларини қўллаш ва чет тилларини ўқитишда қўлланиладиган компьютер онлайн дастурларининг таҳлили масалалари ёритилган.

Замонавий таълим мазмунининг асосий мақсади – билимли инсон, жамият ва давлатнинг келгуси ривожланиш эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий таълим билан таъминлашдир.

Бугунги кунда анъанавий машгулотлар ёш авлод эҳтиёжларига жавоб бера олмай қолди, улар илгариги нарсаларни эшитишни ҳам хоҳлашмайди. Зотан, фикр ва гоёлар турфа хил ва конкрет предметни билиш ҳам ҳар хилдир. Фикр ва гоёлар табиий интеллект маҳсулоти, ўқиш эса – педагоглар ва таълим ташкилотлари иш натижаси.

Замонавий ахборот ва коммуникатив технологиялардан фойдаланиш ўқиш жараёнида икки хил усул билан амалга оширилади:

биринчидан, замонавий ахборот ва коммуникатив технологиялардан фойдаланиш талабаларга ўз билимларини, малака ва қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради ва, шундай қилиб, улар ўз компьютер саводхонлигини оширишади;

иккинчидан, замонавий ахборот ва коммуникатив технологиялари ўқиш жараёни сифатини оширувчи ва жадаллаштирувчи қуролдир.

Олий таълим замонавий дастурларида кимё соҳасини ўқитишда Word, Excel, Power Point дастурларидан фойдаланишга ва шуларнинг ахборотларини ўрганиш ва қайта ишлашга кўпроқ эътибор қаратилган.

Бир жиҳатдан, замонавий ахборот ва коммуникатив технологияларидан, жумладан, «blended learning» ва «flipped classroom»лардан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишда янги ютуқлар бор бўлса ҳам касбий фаолият учун дастурлар таъминоти ҳанузгача етарли эмас.

Олий ўқув юртларида инглиз тили лексикасини ўқитиш методикаси тизимига қуйидаги талаблар қўйилган:

- методлар тизими тарбия функциясини бажариши керак. Бу дидактик мақсадларга ва ўқитишнинг вазифаларига эришишнинг энг оддий усулидир;

- методлар тизими тарбиявий ва ривожлантириш вазифасига эга бўлиши лозим. Талабалар ўз ишларини ва ўз мажбуриятларини ўрганадилар. Талабалар ўз билимларини, кўникма ва малакаларини, шунингдек, ўз туйгуларини, хотираларини ва фикрлаш фаолиятини ривожлантиради. Асосий дидактик масалалардан бири мазкур методикани танлаш нима билан боғлиқ эканлигини билишдир;

- ўқиш машгулотлари дидактик мақсад ва вазифаларга боғлиқдир;
- талабаларнинг билимлари ва ривожланганлиги даражасига боғлиқ;
- фан асосларини ўқитишнинг жорий методларига боғлиқ;
- олий ўқув юрти ёки кафедранинг шароитига боғлиқ;
- ўқув жараёнининг моддий-техник таъминотига боғлиқ;
- ўқитувчининг педагогик кўникмаларига, ўқиш жараёнини ташкил этиш ва ўқитувчининг ўзининг тайёргарлиги даражасига, шунингдек унинг замонавий методларни билишига боғлиқ<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ислоҳ этишнинг асосий вазифаларидан бири талабалар билим фаолиятини жонлантиришдан, ўқитишнинг шакл ва методларини такомиллаштиришдан иборат бўлиб, улар ўқув жараёнига янги технологияларни жорий этишга қулайлик тугдиради.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари – малакали ўқитувчи тайёрлашдан бошлаб, дарс сифатли, қизиқарли ва самарали ўтказишгача бўлган барча жараёнларда ўқитувчининг энг яқин ёрдамчиси ва яхши қуролидир. Дарсга тайёрланиш вақтида ўқитувчи компьютер ёрдамида дидактик материалларни, тарқатма материалларни, кўргазма қуролларини, презентациялар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаши мумкин, шунингдек дарсга керакли бўлган қўшимча ахборот, қизиқарли расмлар, аудио ва видеоклиплар билан дарсни Интернет ёрдамида тўлдириши мумкин. Дарс давомида замонавий ахборот ва коммуникатив технологиялар (1-расм) ўқувчига ўз дунёқарашини, билимлари ва кўникмаларини визуаллаштириб, эшитиб ва мустақил амалга ошириб ривожлантиришга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- ўқиш жараёнини ва ўқитувчининг дарс ўтиш жараёнини енгиллаштириш учун, шунингдек ўқувчиларнинг мустақил фикрлашида муайян ютуққа эришиш ва уни ташкил этишда замонавий ахборот ва коммуникатив технологиялари имкониятларидан фойдаланиш учун электрон онлайн ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди;


- назарий ва амалий дарслар ўртасидаги вақтинчалик тўсикни бартараф этишга мўлжалланган виртуал дарслар йигиндиси танлаб олинди, улар эса

---

<sup>7</sup> Вепрева Т.Б. Обучение профессионально-ориентированной иноязычной лексике студентов неязыковых специальностей на основе интегрированного курса: Дисс. на соискание ... канд. пед. наук. – Москва, 2012. – С. 182.

Ўқитишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга, индивидуал (шахсий) тажрибани ўстиришга, лойihalаш ва техник тушунишда уларнинг малакаларини ривожлантиришга ёрдам беради;

- таълим сифатини ошириш билан бир каторда ўқувчиларнинг мустикал ўқиши ва ўзлаштириш даражасини тез ва объектив аниқлашга имкон берувчи мониторинг ва назорат тизими сифатида электрон тест топшириқлари ишлаб чиқилди.



**1-расм. Ахборот технологияларидан фойдаланган холда ўқиш жараёнида ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги мулоқот**

Диссертациянинг «E-platform for improving subject knowledge» онлайн платформаси бўйича амалга оширилган ишлар таҳлили ва экспериментал ўқитиш» деб номланган учинчи бобида тажриба ишлари натижалари акс этган.

Тажриба ишлари 2017-2020 йилларда ўтказилди. Тажриба ва назорат гуруҳлари танлаб олинди (барчаси 462 талаба). Улар Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти ва Навоий давлат кончилик институтининг Нукус филиали талабаларидир. Тажриба ишлари учта босқичда олиб борилди: ташхислаш ва башорат қилиш, ташкилий – тайёргарлик кўриш, амалий – умумлаштириш.

Тажриба ишларининг *ташхислаш ва башорат қилиш* (2017-2018 йй.) жараёнида тажриба майдонлари аниқланди; кимёгар талабаларнинг инглиз тили бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича муаммолар аниқланди; муаммо бўйича психологик, педагогик, илмий-методик адабиётлар ўрганилди ва таҳлил қилинди; ташкилотлар, олий ўқув юртларида инглиз тилига ўқитиш жараёнининг такомиллашиши, инновацион

технологияларнинг қўлланилиш даражаси, методик таъминоти ва мақоми таҳлил қилинди. Мазкур фанни ўқитишда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш мумкин бўлган мавзулар аниқланди, хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишлари таҳлил этилди, шунингдек бу соҳадаги қатор манбалар кўриб чиқилди.

Тажриба ишининг *ташкилий тайёргарлик босқичида* (2018-2019 йй.) иштирокчилар таркиби аниқланди; тажриба дастури, ҳаракатлар режаси, тажриба ишининг методик ва ташкилий таъминоти ишлаб чиқилди. Натижаларнинг баҳолаш мезонлари ва индикаторлари аниқланди.

Натижаларни муҳокама қилиш учун мезонлар, ўзаро тажриба алмашиш учун имкониятлар яратиш, мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш, шунингдек тажрибани ўтказувчи ўқитувчиларга илмий-методик ёрдам кўрсатиш йўллари аниқланди.

Тайёргарлик жараёнида қуйидаги масалаларга жиддий эътибор қаратилди: тажриба тестлар учун объектни белгилашда таълим муассасасининг шароитидан, имкониятларидан ва мавжуд кадрларидан келиб чиқиб аниқланди; инглиз тилини ўқитиш даражасига катта эътибор қилинди ҳамда тажриба натижалари муҳокама қилинди. Олинган натижалар илмий ва методологик нуқтаи назардан чуқур таҳлил этилди. Матнлар мазмуни, ёзма ишлар, анкета ўтказиш методикаси, мавзуларнинг Давлат таълим стандартига ва инглиз тилини ўқитиш дастурига мувофиқлиги ўқитувчилар томонидан муҳокама қилинди, танқидий таҳлил этилди ва экспертлар фикрига таянилди. Таъкидландики, тестлар ва ёзма ишлар қуйидаги талабларга мувофиқ келади: Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури базавий компетенцияларини қамраб олган; ҳаёт тажрибаси ва ёшлар психологияси учун долзарблиги инобатга олинган; тестлар содда ва тушунарли тузилган.

Тажриба ишларининг *учинчи амалий босқичида* (2018-2020 йй.), танланган олий ўқув юртларида талабаларнинг илмий, услубий, амалий тайёргарлигини аниқлаш мақсадида педагогик тажрибалар ўтказилди. Кимёгар талабаларининг инглиз тилида касбий тайёргарлик даражасини ошириш учун ўқитишда инновацион (педагогик ва ахборот) технологиялардан фойдаланиш бўйича тренинглар ташкил этилди; ушбу технологиялардан фойдаланишнинг усуллари ишлаб чиқилди ва илмий ва услубий жиҳатдан асосланди; материаллар асосида ўқув-методик қўлланмалар, тавсиялар ва ишланмалар тайёрланди. Инновацион таълим технологияларининг самарадорлиги синовдан ўтказилди ва амалиётга жорий этилди. Инновацион таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда инглиз тили лугатини ўрганиш мавзулари таҳлил қилинди.

Ҳар бир компонент бўйича кўрсаткичлар (билимлар ва малакалар) тўрт баллик шкала бўйича баҳоланди: «2» – энг паст, «3» – паст, «4» – ўртача, «5» – юқори даража.

Компетентликнинг шаклланганлиги ва ўсиш кўрсаткичларини баҳолаш учун Стьюдент t-мезони қўлланилди:

$$T = \frac{|\bar{x}_H - \bar{x}_K|}{\sqrt{\frac{S_{x_H}^2}{\varepsilon} + \frac{S_{x_K}^2}{\varepsilon}}}$$

Бутун тажриба (ўқиш) давомида талабалар ишларининг статистик ишланмалари ва таҳлили бўлгуси ўқитувчилар касбий компетентлиги шаклланишининг ҳар бир гуруҳда фоиз нисбатида умумий динамикасини кузатиш имконини берди.


НДПИ, ҚДУ ва НДКИ НФ талабалари билан ўтказилган педагогик тажрибалардан олинган умумий натижалар (1-жадвал) шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳи талабалари орасида инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиши назорат гуруҳи талабаларига нисбатан 1,11 баравар юкори.

1-жадвал

**Кимёгар талабалар билан педагогик тажрибалардан олинган умумий натижалар**

Ўқув юрти номи	Тажрибада қатнашган гуруҳлар	N	5	4	3	2	Ўртача балл	Мумкин бўлган ишонч оралиғи	Самарадорлик
НДПИ	Тажриба	47	4	33	9	1	3,85	3,62; 3,92;	1,13
	Назорат	49	1	20	26	2	3,41	3,36; 3,62;	
ҚДУ	Тажриба	67	2	29	36		3,49	3,36; 3,62	1,10
	Назорат	66		13	51	2	3,17	3,06; 3,28	
НДКИ НФ	Тажриба	28	2	29	36		3,71	3,62; 3,92	1,07
	Назорат	27		13	51	14	3,48	3,36; 3,62	

Педагогик тажрибалардан олинган натижаларнинг умумий статистик таҳлили диаграммаси 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Баҳоларнинг ўртача арифметик қиймати



Кўриниб турибдики, ўқув материални ўзлаштириш коэффициенти бирдан юкори ( $\eta = 1.11 > 1$ ). Бунда тажриба гуруҳидаги кимёгар талабаларнинг инглиз тилини билиш даражаси назорат гуруҳидаги талабаларга караганда юкори. Шундай қилиб, кимёгар талабаларнинг инглиз тилини ўрганиши ва уларнинг лугат захирасини шакллантириш учун "E-platform for improving subject knowledge (<http://smartstudent.uz>) онлайн платформаси педагогик таълим учун самарадорлиги ва аҳамиятли эканлигини кўрсатди.

## ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги асосий хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот натижалари, кимёгар талабаларга инглиз тилининг лексикасини ўқитиш самарадорлигини таъминлаш учун, ўқитишнинг мазмуни, шакли, методлари, воситалари ва технологияларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

2. Мультимедиа ўқув воситалари асосида кимёгар талабалар учун инглиз тили лексикасини ўқитишнинг методик тизими ишлаб чиқилди. Тизим компетенция, шахсий фаолият ва тизимли ёндошувлар асосида қурилган, назарий, технологик ва тахминий интерфаол алоқаларни ўз ичига олади, уларнинг фаолияти, техникаси, ўқитиш ва тематик ташкиллаштириш тамойилларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

3. Мультимедиа ўқув воситаларини комплекс таҳлили шуни кўрсатдики, ўқув жараёнига киритилган инновацион технологиялар таълим самарадорлиги ва сифатига ижобий таъсир кўрсатиб, ўқувчиларнинг ўзини ўзи эркин ифода этиши учун қулай шароит яратди ва ўқувчининг ўрни нафақат ўқитиш, шунингдек, касбий ваколатларни шакллантириш ва такомиллаштиришга ёрдам беришдан иборат. Шунингдек, мавжуд мультимедиа воситалари кимёгар талабаларга инглиз тили лексикасини ўргатиш учун мўлжалланмаганлиги аниқланди.

4. Мультимедиа ўқув воситалари асосида кимёгар талабаларнинг лексик нутқ кўникмаларини шакллантиришга мўлжалланган бир қатор вазифалар ва машқлар ишлаб чиқилди, шу жумладан, сўзлар ва касбий терминларнинг маъносини аниқлашга оид вазифалар; синоним ва антонимларни топиш; сўзларнинг маъносини аниқлаш бўйича вазифалар, шунингдек, ўқув жараёнининг мазмунини яхшилаш ва кимёгар талабаларнинг фаоллигини ошириш мақсадида «Инглиз тилида кимё асослари» (2019) ўқув-методик қўлланмаси ишлаб чиқилди.

5. Кимёгар талабаларнинг инглиз тилидаги лексикасини яхшилаш учун қуйидаги кўрсатмалар ишлаб чиқилган:

- фан ва техниканинг жадал ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, инглиз тили фанининг мазмунини (кимё йуналиши талабалари учун), ўқув адабиётларини, дастурий таъминот ва техник воситаларни доимий равишда янгилаб бориш мақсадга мувофиқдир;

- кимё соҳасидаги бўлажак мутахассислар технологияларнинг фаол фойдаланувчилари бўлганлиги ва улардан фойдаланишни таъминлаганлиги сабабли, кимё талабарини касбий тайёргарлик даражасида зарур бўлган барча асбоб-ускуна ва адабиётлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

6. Педагогик экспериментал иш натижалари таклиф этилаётган методика ва ишлаб чиқилган «E-platform for improving subject knowledge» онлайн платформаси самарадорлигини тасдиқлади. 2017-2020 йилларда Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти ва Навоий давлат кончилик институти Нукус филиали кимёгар талабаларида ўтказилган тажриба машгулотлари, таклиф қилинган «E-platform for improving subject knowledge» онлайн платформаси тадқиқот ишининг самарадорлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради.

**SCIENTIFIC COUNCIL No DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 ON AWARD OF  
SCIENTIFIC DEGREE OF DOCTOR OF SCIENCES AT THE  
KARAKALPAK STATE UNIVERSITY**

---

**NUKUS STATE PEDAGOGICAL INSTITUTE**

**KAIPBERGENOVA FERUZA TULEPBERGENOVNA**

**FORMATION OF THE ENGLISH VOCABULARY OF CHEMISTRY  
STUDENTS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS  
(on the example of multimedia programs)**

**13.00.02 – Theory and methodology of teaching and upbringing (philology)**

**ABSTRACT of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
PEDAGOGICAL SCIENCES**

The theme of the doctoral thesis (PhD) was registered by the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under No B2019.1.PHD/Ped792.

The doctoral thesis has been carried out at Nukus State Pedagogical Institute.

The abstract of the dissertation in three languages (Uzbek, Russian, English (resume)) has been placed on the webpage of the Scientific Council at [www.karsu.uz](http://www.karsu.uz) and on the web-site of Information-educational portal «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Scientific supervisor:</b>	<b>Kurbanbaev Djavod Aminbaevich</b> Candidate of pedagogical sciences, docent
<b>Official opponents:</b>	<b>Ziyaeva Sevara Anvarovna</b> Doctor of Pedagogical Sciences (DSc), professor <b>Sabirova Gulmoza Sadikovna</b> Doctor of Philosophy on Pedagogical Sciences (PhD), docent
<b>Leading organization:</b>	<b>Navoi State Pedagogical Institute</b>

Defence of dissertation will take place on 17. march 2022 at 10<sup>00</sup> at the meeting of the Scientific Council DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 at Karakalpak state university (Address: 230112, Nukus, Ch.Abdirov street, 1. Tel: (99861) 223-59-25, fax: (99861) 223-59-25, email: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

The dissertation can be reviewed in the Information Resource Center of Karakalpak state university. (Registration number 75 ). Address: 230112, Nukus, Ch.Abdirov street, 1. Tel: (99861) 223-59-25.

The abstract of dissertation is distributed on 26. February 2022.  
(Protocol of the register № 1 on 26 February 2022)



**M.S.Kudaibergenov**  
Chairman of one-time Scientific Council on  
award of scientific degrees, Doctor of  
philological sciences, professor

**J.N.Sagidullaeva**  
Scientific Secretary of one-time Scientific  
Council on award of scientific degrees,  
Candidate of philological sciences, docent

**T.T.Utebaev**  
Chairman of one-time scientific seminar under  
the Scientific Council awarding scientific  
degrees, Doctor of pedagogical sciences, docent

## INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

**The aim of the research work** is the formation of the English vocabulary of chemistry students of higher educational institutions on the example of multimedia programs.

**The object of the research work** is to study the process of teaching English to chemistry students. The experimental work involved 462 respondents – students of Karakalpak State University, the Nukus State Pedagogical Institute and the Nukus Branch of the Navoiy State Mining Institute.

**The scientific novelty of the research work** is as follows:

by developing a database of electronic and animated educational resources aimed at developing students' English language skills, students of the chemical and chemical-technological faculties were disclosed pedagogical conditions for mastering chemical concepts, such as complex chemical tasks, an excursion to chemical enterprises;

based on the principles of compatibility, structure and efficiency, a complex (a set of virtual lessons) of multimedia teaching aids was developed using poems, songs, fairy tales, riddles in teaching English vocabulary and oral speech;

taking into account national characteristics, an electronic online platform "E-platform for improving subject knowledge" was developed to improve subject knowledge and innovative information and educational tools for visual and auditory competence;

a set of descriptive (Describe a picture or your friend using new vocabulary) and communicative (Fill in the blanks, Learn your classmate's opinion about ...) exercises has been improved based on a comparative analysis of the vocabulary of English and Karakalpak languages to develop the thinking of students of chemistry, integrating foreign languages.

**The implementation of the research results.** Based on the results obtained on the formation of the English vocabulary of chemistry students of higher educational institutions:

developed a database of electronic and animated educational resources were implemented in practice at the Karakalpak State University named after Berdakh, Nukus State Pedagogical Institute named after Azhiniyaz and the Nukus branch of the Navoi State Mining Institute (certificate of Higher and Secondary Specialized Education No. 89-03-5200 dated December 11, 2020). As a result, the textbook "Basics of chemistry in English" was published.

developed online platform "E-platform for improving subject knowledge" to improve the competence of students in the English language, contributing to the use and improvement of innovative technologies in teaching English in the national audience, improving didactic learning (distance learning, cognitive tasks, educational projects), identifying individual educational trajectory of students (certificate of the Intellectual Property Agency under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan No. DGU 08463 dated July 03, 2020). As a result, the use of innovative technologies in teaching the English language in the national

audience and the formation of the vocabulary of the English language among chemistry students was ensured;

in order to popularize, materials of a set of descriptive (Describe a picture or your friend using new vocabulary) and communicative (Fill in the blanks, Learn your classmate's opinion about ...) exercises has been improved based on a comparative analysis of the vocabulary of English and Karakalpak languages to develop the thinking of students of chemistry were included in the scenarios for the radio programs "Science and Education", "Literature and Era", "Heritage" of the TV and radio channel "Karakalpakstan" of the TV and radio company of the Republic of Karakalpakstan (Reference No. 01 - 02/227 of the TV and Radio Company of the Republic of Karakalpakstan dated April 28, 2021). As a result, theoretical knowledge about comparative analysis of the English and Karakalpak vocabulary and the effectiveness of the online platform was disseminated among the general public, youth, students and scientists.

**The outline of the thesis.** The structure of the dissertation consists of an introduction, three chapters, conclusion, bibliography and appendices. The volume of the dissertation is 130 pages.

**ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ**  
**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ**  
**LIST OF PUBLISHED WORKS**

**(I бўлим; Часть I; Part I)**

1. Kaipbergenova F.T. Information technologies in English classes // Science and Education in Karakalpakstan. Nukus, 2019. - №2. – P. 80-82. (13.00.00; №25).
2. Kaipbergenova F.T. The role of psychology in formation of lexical skills // European Journal of Research and Reflection in Educational sciences. 2019. Vol.7, - №12. – P. 11-14. (13.00.00; №3).
3. Kaipbergenova F.T. The effectiveness of using an online-program in teaching English vocabulary to chemistry students // Scientific-methodical journal “Science and society”. – Nukus, 2020. - №3. – P. 69-71. (13.00.00; №3).
4. Kaipbergenova F.T. The role of online-program in formation chemistry students` English vocabulary // Science and Education in Karakalpakstan. – Nukus, 2020. - №3-4. – P. 131-133. (13.00.00; №25).
5. Kaipbergenova F.T. The role of learning the English language by students of chemistry // Collection of scientific works of the international scientific conference “Modern scientific challenges and trends” March, Issue 2. – Warsaw, 2018. – P. 139-143.
6. Каипбергенова Ф.Т. Использование ИКТ в преподавании английского языка // Collection of scientific works of the international scientific conference “Modern scientific challenges and trends” March, Issue 4. – Warsaw, 2018. – P. 118-123.
7. Каипбергенова Ф.Т. Роль изучения английского языка студентами-химиками // «Материалы республиканской научно-теоретической конференции на тему: «Географическая наука и актуальные вопросы преподавания географии». – Нукус, 2018. – С. 237-238.
8. Kaipbergenova F.T. Using the means of new information technologies in educational process // «Қорақалпоғистон Республикасида кимё ва кимёвий технология соҳалари ривожининг долзарб муаммолари» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси. – Нукус, 2021. – С. 396-398.

**(II бўлим; Часть II; Part II)**

9. Каипбергенова Ф.Т., Курбанбаев Дж.А., Каипбергенов А.Т. E-platform for improving subject knowledge (UZ). Свидетельство РУз № DGU 08463. - Заявл. 02.06.2020. № DGU 2020 0846. опубл. 03.07.2020.
10. Kaipbergenova F.T., Kurbanbaev Dj.A. The process of formation lexical skills in English lessons // Science and Education in Karakalpakstan. – Nukus, 2018. - №4. – P. 39-43. (13.00.00; №25).

11. Kaipbergenova F.T. So`ylew iskerligi strukturasynda leksikalıq uqiqlar a`hmiyetliligi // «Шет тиллерин оқытыўда инновация: машкалалар ҳәм перспективалар» атамасындағы халықаралық илимий-әмелий конференция материаллары. – Нөкис, 2017. – Б. 202-203.

12. Каипбергенова Ф.Т., Джуманазарова Х.Х. Basics of chemistry in English for students of chemistry department. (Химия қәнигелиги талабалары ушын оқыў-методикалық колланба). – Нукус, 2019.

13. Каипбергенова Ф.Т. Применение информационных и коммуникационных технологий в преподавании и совершенствовании мышления студентов-химиков // Материалы международной научной конференции «Актуальные вызовы современной науки». – Переяслав, 2020. – С. 94-96.

14. Kaipbergenova F.T., Kurbanbaev Dj.A., Kaipbergenov A.T. Using an online platform for learning English in higher educational institutions of the Republic of Karakalpakstan // PalArch's Journal of Archaeology of Egypt\Egyptology. Vol.18 (4), 2021. – P. 730-736.


15. Каипбергенова Ф.Т., Каипбергенов А.Т., Нургалиева М.А. Использование информационно-коммуникационных технологий при обучении химии // «Маҳаллий хомашёлар ва иккиламчи ресурслар асосидаги инновацион технологиялар» мавзусидаги Республика илмий-техник анжумани. – Урганч, 2021. – С. 360-361.

16. Каипбергенова Ф.Т., Каипбергенов А.Т., Нургалиева М.А. Современные инновационные технологии на уроке химии // «Маҳаллий хомашёлар ва иккиламчи ресурслар асосидаги инновацион технологиялар» мавзусидаги Республика илмий-техник анжумани. – Урганч, 2021. – С. 362-363.



Автореферат «Илим ҳам жамийет» журналида тахрирдан ўтказилиб,  
Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлар ўзаро мувофиқлаштирилди  
(22.02.2022)

Н. Нусеиббаев  
Корреспондент,  
Фаннинг руҳсат  
этилди.



Босингга руҳсат этилди: 22.02.2022 йил.  
Буюртми № 0318 Адади 100 нусха. Бичими 60x84  
Босма табоғи 3,0. «Times New Roman» гарнитураси.  
Ажинёз помидаги НДПИ босмахонасида чоп этилди.  
Нукус П.Сейтов кўчаси р/у